



ЎЗБЕКИСТОН Республикаси
ЎЗЛИДЕП

Газета 2004 йил 1 январдан
чиқа бошлаган,
E-mail: axborotXXlasr@yahoo.com
web sayt: www.21asr.uz

2012 йил 2 февраль, пайшанба
05-(429)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



Хар бир фермер хўжалигига бир нафар қишлоқ хўжалигига ихтисослашган коллеж битирувчисини бириктириш таклифи қўллаб-қувватланди



Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг «Мустақкам оила йили», деб эълон қилиниши оилавий бизнесга бўлган муносабатни ҳам тубдан ўзгартириши тақозо этмоқда



Молиявий-иқтисодий инқирознинг навбатдаги тўлиқ дунё иқтисодчиларини ўйлантираётган бир пайтда Греция яна дефолт қаршида яқкама-яқка қолди

03 ИСЛОХОТ 04 АЁЛЛАР ҚАНОТИ 07 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Парламент назорати

O'zLiDeP фракциясига

Депутатлик гуруҳи

ЕНГИЛ САНОАТНИНГ «ЮКИ» ЕНГИЛЛАШГАН ИЎҚ

2011 йил 25 март кун Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, Қурилиш ва Савдо масалалари қўмитасида «Мамлакатимизда енгил саноатни ривожлантириш истиқболлари, муаммолар ва уларнинг ечими» мавзусида қўмита эшитуви ўтказилиб, унда «Ўзбекенгилсаноат» компанияси раиси Илҳом Ҳайдаровнинг ҳисоботи эшитилган эди. Ҳўш, орадан 9 ой ўтиб қўмита қарори ижроси юзасидан қандай ишлар амалга оширилди?

3 >>>

Янги қонун



ПАРЛАМЕНТ БОШ ПРОКУРОР ТАШАББУСИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

ПОРНОГРАФИЯ ВА ЗҲРАВОНЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ТАДБИРЛАРИ ДАВОМИДА 44,5 МЛН. СЎМЛИК ПОРНОГРАФИК МАХСУЛОТЛАР МУСОДАРА ҚИЛИНИБ, 430 НАФАР ШАХС МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ

Маълумки, мушаккилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистонда ёш авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан барқамол вояга етказиш, умумий қадриятлар ҳамда аълолар асосидаги тарбияни кучайтириш, менталитетимизга ёт бўлган «оммавий маданият»нинг ҳавфли таъсирини бартараф этишга қаратилган қатор дастурлар амалга оширилмоқда.

4 >>>

Ўзбекистон — жадал ривожланаётган мамлакат



O'zLiDeP фракцияси аъзолари Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «2012 йил — Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» номи маърузасидан келиб чиқадиган долзарб вазифаларни белгилаб олдилар

Йиғилиш иштирокчилари дастурий маърузадан ўрин олган ҳулоса ва таҳлиллар, аниқ ҳисоб-китобларга асосланган рақамларни таҳ-

лил қилар эканлар, Ўзбекистон кейинги йилларда жадал тараққий этаётган рақобатбардош мамлакатга айланиши алоҳида таъкидладилар. Бунда

«Ўзбек модели» асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар иқтисодиётнинг барча соҳаларини тўлиқ қамраб олгани муҳим омил бўлиб

хизмат қилмоқда. Молиявий-иқтисодий инқироз жаҳон иқтисодиётини хануз мураккаб ҳолатга солаётган бир пайтда юртимизда барқа-

рор ўсиш суръатлари таъминланаётгани халқаро ташкилотлар томонидан ҳам муттасил эътироф этиляпти.

2 >>>

Муносабат

Дахлдорлик ҳисси

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «2012 ЙИЛ — ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КўТАРАДИГАН ЙИЛ БўЛАДИ» НОМИ МАЪРУЗАСИ АЙНИ ПАЙТДА БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҚАТОРИ МИНГ-МИНГЛАБ САЙЛОВЧИЛАР МАНФААТИНИ ИФОДА ЭТАЁТГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВАКИЛЛАРИ ТОМОНИДАН ҲАМ ҚИЗГИН МУҲОКАМА ҚИЛИНАЁТГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС

Чунки, дастурий аҳамиятга молик ушбу ҳужжатда ўтган йил яқунлари таҳлил этилиб, «Мустақкам оила йили»даги энг долзарб вазифалари белгилаб берилгани, ислохотларнинг етакчи қучи-га айланиши лозим бўлган парламент зиммасига алоҳида маъсулият юклайди. Маълумки, 2011 йили ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторида муносиб ўрин эгаллади. Саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, чакана савдо айланмаси ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳам

барқарор суръатлар билан ўсгани шундан далолат бермоқда. Шу ўринда, Юртбошимизнинг рақобатдош иқтисодиётни шакллантирмасдан, пировардида эса рақобатдош мамлакатни барпо этмасдан туриб, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да кўзда тутилган мақсадли вазифаларни амалга ошириб бўлмаслиги ҳақидаги фикрлари O'zLiDePнинг ислохотларнинг янги босқичидаги фаолиятини кескин кучайтириш лозимлигини аниқлатади.

Саноатда маҳсулот таннархини 10-15 фоизга пасайтириш юзасидан хар бир корхона бўйича комплекс чора-тадбирларни кўзда тутадиган дастур ишлаб чиқиш, мамлакатимиз корхоналарида қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш даражасини танқидий таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш бўйича мавжуд ресурс ва имкониятларни аниқлаш ҳамда саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, бунинг учун қўшимча имтиёزلарни кўзда тутадиган махсус қарор қабул қилиш, ташқи бозорда эса хари-дорбон, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни рағбатлантиришни янада кучайтириш, улар-

га янги имтиёз ва преференциялар бериш бўйича алоҳида ҳукумат қарорини қабул қилиш вазифалари белгилангани эса Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзоларига ана шу муҳим ҳужжатлар ижросини қатъий назорат қилиш вазифасини юклайди.

2 >>>

БУГУНГИ СОНДА:

Айрим ҳолларда популизм ва танқидбозликка муккасидан келтиб, ўз рақиблирини айблаш илнжида ижрония ҳокимияти билан сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик гуруҳлари ваколатларини адаштириб юбориш, у ёки бу ҳудудда кам иш ўрни яратилгани ёхуд тадбиркорлик тузилмалари очилганида O'zLiDePни айбловга ўхшаш чиқишлар ҳам кўзга ташланмоқда. Хусусан, кейинги йилларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг айрим фаоллари ўз наشري орқали шунга ўхшаш чиқишларни уюштиришга ҳаракат қилмоқдалар.

5 >>>

Танқиддан тегишли хулосалар чиқарилди

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ 2010 ЙИЛ 27 ЯНВАРДАГИ ҚўШМА МАЖЛИСИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТ НАЗОРАТ ВАКОЛАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҚОНУНДА КўЗДА ТУТИЛГАН ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИДАН МАРКАЗДА ВА ЖОЙЛАРДА КЕНГ ФойДАЛАНИШ УЧУН БАРЧА ЧОРАЛАРНИ КўРИШ КЕРАКЛИГИ Тўғрисидаги НИҲОЯТДА ДОЛЗАРБ ВАЗИФА ЎРТАГА ҚўЙИЛИБ, БУ БОРАДАГИ ИШЛАР ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ЭМАСЛИГИ ТАЪКИДЛАНГАН ЭДИ

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да ҳам ана шу масалага яна бир бор алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Ҳўш, Концепция эълон қилинганидан кейинги давр мобайнида O'zLiDeP ташкилий тузилмалари ушбу танқидлардан қандай хулоса чиқарди? Халқ депутатлари вилоят кенгашларида 316, туман ва шаҳар кенгашларида 1900 га яқин аъзони бирлаштирган депутатлар корпуси 2011 йилни қандай натижалар билан яқунлади?

АНИҚ МАҚСАДГА йўНАЛТИРИЛГАН ЧОРАЛАР

Юртбошимиз томонидан билдирилган танқидий мулоҳазалардан хулоса чиқарган O'zLiDeP фаоллари жойлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятида мавжуд камчилик ва нуқсонларни тузатиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган бирламчи вазифалар қаторида партия сайловотида дастурида илгари сурилган ноябрини ҳаётга изчил таъбиқ этишда етказилликка эришма бериш, ижрония ҳокимияти фаолияти, айниқса, иқтисодиётни ислох қилишга қаратилган қонунлар, Президент

фармонлари ва давлат дастурларининг жойлардаги ижросини қатъий назоратга олиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб олдилар.

Хусусан, Ижрония қўмитанинг депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлан-тиришга доир махсус қарор қабул қилиниб, тегишли кўрсатмалар ишлаб чиқилди. Ўз навбатида вилоят ва туман (шаҳар) кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ана шу кўрсатмалар асосида ўз Низомларини тасдиқладилар.

2011 йилнинг ўзида ҳудудий кенгашлардаги депутатлар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида махсус ўқувлар ташкил қилинди.

5 >>>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2012 ЙИЛ 31 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:

1 Австралия доллари	▲ 1920,03
1 Англия фунт стерлинги	▲ 2846,61
1 Дания кронаси	▲ 321,42
1 БАА дирҳами	▲ 493,31

1 АҚШ доллари	▲ 1811,86
1 Миср фунти	▲ 300,60
1 Исландия кронаси	▲ 14,77
1 Канада доллари	▲ 1807,16

1 Ҳитой юани	▲ 286,84
1 Малайзия ринггити	▲ 596,01
1 Польша злотийси	▲ 566,29
1 СДР	▲ 2803,20

1 Туркия лираси	▲ 1019,16
1 Швейцария франки	▲ 1981,26
1 ЕВРО	▲ 2359,67
1 Жанубий Корея вон	▲ 16,11

1 Япония иенаси	▲ 236,41
1 Россия рубли	▲ 59,67
1 Украина гривнаси	▲ 226,77

Ўзбекистон — жадал ривожланаётган мамлакат



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ

Жумладан, Халқаро валюта жамғармасининг 2011 йилнинг декабрь ойида эълон қилган пресс-релизида қатор йиллар давомида қузатилган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашшиш Ўзбекистонни глобал инкирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилгани алоҳида таъкидланган.

— Мамлакатимизда иктисодийни модернизация ва диверсификация қилиш, хусусий сектор ролини янада кучайтириш бўйича қабул қилинган ўнлаб дастурлар муваффақиятли амалга оширилаётганини айтиб ўтиш лозим, — деди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Қобилжон Тошматов. — Бундан ташқари, банкларнинг капиталлашуви сезиларли равишда оширилгани мазкур тизимни барқарорлаштириш имконини берди. Юртбошимиз маърузасида тилга олинган Базель кўми-

таси — ўнлик гуруҳи (G-10)га аъзо давлатлар банк назорати органлари томонидан ташкил этилган халқаро молия муассасаси ҳисобланади. Бугун унинг таркибига Германия, Франция, Италия, Испания, Швеция, Швейцария, Буюк Британия, Япония ва АҚШ сингари ривожланган мамлакатларнинг Марказий банклари вакиллари кириди. Ўзбекистон банк сектори капиталининг етарлилик даражаси ушбу нуфузли ташкилот белгиланган 8 фоизлик халқаро меъёрдан уч баробар кўнглиги эса иктисодий ислохотларнинг амалдаги самарасини яққол кўрсатиб турибди.

Фракция аъзолари мамлакат саноатидagi умумий ўсшининг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ташкил этганига эътибор қаратди.

— Ушбу кўрсаткичларга халқ истеъмоли моллари ва кишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган маҳсулотларнинг қўллаб турларини ишлаб чиқариш ҳисобига эришилди. Айни пайтда соҳани диверсификациялаш ва ташкил бозорни ўзлаштириш ҳисобидан янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш

ФРАКЦИЯ РАХБАРНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА, БУГУНГИ КУНДАГИ ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФА КОНЦЕПЦИЯНИНГ ДЕМОКРАТИК БОЗОР ИСЛОХОТЛАРИНИ ВА ИКТИСОДИЙНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ Йўналишида БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИНИ ПИШИҚ-ПУХТА ҚАБУЛ ҚИЛИШ, АМАЛДАГИ ҚОНУНЛАР ВА ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН МАРКАЗДА ВА ЖОЙЛАРДА ҚАТЪИЙ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИ ЙўЛГА Қўйишдан ИБОРАТДИР

хам йўлга қўйилди. Натижада ўтган йили мамлакатимизда саноат маҳсулотлари экспорти ҳам сезиларли даражада ошди, — дейди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Клара Жума-

муратова. — Бу борада Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида имзоланган шартномалар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ҳозирги кунда маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш орқали импорт товарлар ва хизматлар ҳажмини янада камайтириш борасидаги ишлар жадал давом эттирилмоқда. Бу йўналишда олиб борилаётган инвестициявий сиёсат сармояларни, жумладан, хорижий сармояларни жалб қилган ҳолда, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, саноат корхоналарини модернизациялаш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини амалга ошириш каби истиқболли вазифаларни бажаришга қаратилган.

— Президентимиз маърузаси аслида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да билдирилган фикрларнинг мантикий давомидир, — деди О'зЛиДеР фракцияси раҳбари Б.Якубов. — Бизнинг бугунги кундаги энг асосий вазифамиз ана шу Концепциянинг демократик бозор ислохотларини ва иктисодийни либераллаштириш янада чуқурлаштириш йўналишида белгилаб берилган қонун лойиҳаларини пишиқ-пухта қабул қилиш, амалдаги қонунлар ва давлат дастурлари ижроси юзасидан марказда ва жойларда қатъий парламент назоратини йўлга қўйишдан иборат. Бунинг учун эса нафақат парламент эшитувчи, депутат сўрови, балки жамоатчилик назорати сингари институтлардан ҳам самарали фойдаланишимиз лозим.

Йўналишда муҳокама этилган масала юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Муносабат

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Муҳаммадюсуф ТЕШАБОВЕВ,
О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши
Ижроия кўмитаси раиси

Биз, айни пайтда катта капитал қўйилмалар талаб этмайдиган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича 2012-2016 йилларга мўлжалланган дастурда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибига бу соҳанинг улуши 54-56 фоизга етказилиши учун ҳам бор имкониятларимизни ишга солишимиз ва бу жараёнда электрот вакилларининг фаол иштироки этишларига қонуний асослар яратиб беришимиз лозим. О'зЛиДеР мазкур масалада ҳали ишга солинмаган улкан имкониятлар мавжуд, деб ҳисоблайди. Бу эса партиявий, депутатлик ёки парламент доирасида олиб бораётган ишларимизни танқидий баҳолаб, соҳага оид қонунийликни янада тақомиллаштиришимиз кераклигини аниқлатмоқда.

Президентимиз маърузасида фермер хўжаликлари фаоли-

Дахлдорлик ҳисси

тининг таҳлилий-танқидий кўриб чиқилганидан эса таъминот, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан тузилган шартнома шартларининг бажарилиш ҳолати, бу борадаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари тўғрисидаги масалалар юзасидан тегишли тақлифлар тайёрлашимиз мақсадга мувофиқдир. Бунда фермер хўжаликлари-нинг мавжуд муаммоларини бартараф этиш ҳамда тегишли қонунийликка ўзгартишлар киритиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, фермер хўжаликлари фаолиятини мониторинг қилиш ва уларга хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтириш масалалари олдимизда турган энг муҳим вазифалардандир. Бу эса партиянинг кишлоқ мулкдорлари фаолиятига доир ишларини бутунлай қайта кўриб чиқиш лозимлигини тақозо этади. Зеро, кишлоқ мулкдорларининг давлат ва жамият олдидаги ижтимоий масъулияти бугунги кунда нихоятда долзарб масаладир.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2011 йилнинг сен-


тябрь-октябрь ойларида Наманган ва Андижон вилоятларига таширфлари чоғида фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш учун туманлар микёсида «Фермерлар кенгаши» фаолиятини йўлга қўйиш ҳақидаги тақлиф илгари сурилган эди. Ушбу ташаббуснинг рўёбга чиқарилиши кишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнини жадаллаштиришга хизмат қилиш шубҳасиз. Унинг амалга оширилиши айни пайтда О'зЛиДеРнинг мақсад-муддolariга ҳамоханг эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу барча ҳамкор ташкилотлар билан олиб бораётган ишларимизни янги босқичга кўтариш, асосий эътиборни кишлоқ мулкдорлари манфаатига қаратиш лозимлигини аниқлатади, албатта.

Бир сўз билан айтганда, Юртбошимиз маърузаси жорий йилдаги асосий йўналишларимизни белгилаб олишда дастуриламал ҳужжат бўлиб, О'зЛиДеРнинг барча бўғиндаги аъзоларини Ватанимиз тараққий-етини янги босқичга кўтаришга сафарбар этади.

Сиёсий таълим тизими

Сиёсий модернизация жараёнида партиявий масъулият

ЭНГ АВВАЛО, 2011 ЙИЛ МАМЛАКАТИМИЗ ИЖТИМОИЙ-ИКТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ ҲАЁТИДА УЛКАН ЯНГИЛАНИШ ҲАМДА ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ БЎЛГАННИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМ. БУНДА «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» АСОСИДА ЖАМИЯТНИ СИЁСИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР Йўналишлари БЕЛГИЛАНГАН ПАРТИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲУДУДИЙ ТУЗИЛМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЖОНЛАНТИРИШ ИМКОНИНИ БЕРДИ



Аҳмадали ТЕШАБОВЕВ,
О'зЛиДеР Фарғона вилоят кенгаши ҳузуридаги
«Сиёсий таълим маркази» раҳбари

О'зЛиДеР Фарғона вилоят кенгаши «Сиёсий таълим маркази»нинг ўтган йилдаги фаолияти ҳам ана шу талаблар доирасида ташкил этилди. Депутатлик гуруҳлари аъзолари, бошланғич ташкилотлар раҳбарлари, туман ҳамда шаҳар партия кенгашлари раис ва ўринбосарларининг сиёсий-хукукий билимини оширишга бирламчи аҳамият қаратилиб, туркум семинар ҳамда ўқув машғулотлари ташкил этилди. Хусусан, вилоят кенгаши-нинг Савдо-саноат палатаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, «Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази» сингари тузилмалар билан ҳам-

корликда ўтказилган семинар-тренингларида турли бўғинлардаги 400 дан ортиқ депутат ва 2 мингга яқин партия фаоллари иштирок этдилар. Бу эса айни пайтда жойларда қонунлар ижроси жараёнини таҳлил этиш, амалдаги ҳукукий базани янада тақомиллаштириш юзасидан юзма-юз мулоқотга киришиш имконини ҳам берди.

О'зЛиДеР кадрлар захираси фаолият самардорлигини оширишнинг муҳим омили» мавзuida ўтказилган махсус ўқув курсларида эса бугунги кун талабларига жавоб берадиган кадрлар захирасини шакллантириш ва уларни қайта таёрлаш масаласига танқидий нукта назардан ёндашди. Чунки ислохот-

ларнинг янги босқичида замонавий талаблар асосида ишлашга қодир, сиёсий баҳс-мунозараларга профессионал жиҳатдан тайёр, ўз фаолиятида умумэтироф этилган PR-технологиялар ва иш услубларини қўллаш оладиган кадрлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам бундай тадбирларга кўпроқ ёшларни жалб этишга эътибор қаратаёмиз. Бу борада партия фаоллари, айниқса, депутатлар асосий тарбиячиларга айланишлари лозим.

Ўтган йилги фаолиятимиз давомида айрим туман ва шаҳар кенгашларидаги вакилларимиз сиёсий ўқувларга бевзтибор муносабатда бўлган ҳолатлар ҳам учраганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, Ўзбекистон, Данғара туманларидаги маслақдошларимизнинг ўтказилган семинар ва ўқув-амалий машғулотлардаги иштироки жуда сустр бўлди. Натижада бу ҳудудлардаги депутатлик гуруҳлари ва бошланғич ташкилотларнинг фаолиятида айтарлиқ ўзгаришлар кузатилмади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги демократик ўзгаришлар жараёнида партиянинг роя ва мақсадларини рўёбга чиқаришда сиёсий таълим марказларининг ўрни ва роли тобора мустаҳкамланишини даврининг ўзи тақозо этапти. Партиялараро қурашга тайёр, сафдошларини ўз ортидан эргаштира оладиган малакали кадрлар тайёрлаш эса сиёсий таълим тизими фаолиятининг нечоғлик йўлга қўйилганига боғлиқдир.

Электромат фаолиятидан

Тадбиркорлик — фаровонлик омили

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ РАҲНАМОЛИГИДА ИЗЧИЛ ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ҲАР ТОМОНЛАМА Қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ўз самарасини бераётир. Фарғона вилоятида ҲАМ ИШБИЛАРМОНИЛАР САФИ ТОБОРА КЕНГАЙИБ, УЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИ ВА ХАРИДОРГИРЛИГИ ОШИМОҚДА

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА муҳбири

Бувайда туманидаги «Ахмад Тож Хайдар» хусусий корхонасида болалар учун трикотаж маҳсулотлар, ишлаб чиқарилади. Корхона маҳсулотлари нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз хараидорига эга. Ўтган йили бу ерда тайёрланган бежирим кийим-кечакларнинг бир қисми экспортга чиқарилди.

— Айни пайтда мактаб ўқувчилари учун форма ва бошқа турдаги кийимлар ҳам тикмоқдамиз, — дейди корхона раҳбари З.Тожиқматова. — Маҳсулотларимиз юртимизда ишлаб чиқарилган табиий мато-лардан тикилгани ва юқори сифати билан хараидорлар эътиборини тортмоқда. Давлатимиз томонидан биз, тадбиркорлар учун ярати-

лаётган имконият ва имтиёзлар фаолиятимизни янада кенгайтириш имконини бермоқда.

Корхонада ўттиз нафардан зиёд хотин-қиз касана-чилик асосида меҳнат қилади. Бу ерда ташкил этилган ўқув курсида ёшларга пишириқлар тайёрлаш, тикувчилик каби касб-хунар сир-асрори ўргатилмоқда.

«Ибрат» шаҳарча фукаролар йиғинидаги тадбиркор С.Ўқубова раҳбарлик қилаётган «Феруза» кўптармоқли фирмаси ёғоч ва пластик буюмларни қайта ишлаш ва тикувчилик цехлари, заргарликка ихтисослашган маиший хизмат кўрсатиш шохбачаси, ҳаммом, 80 ўринли ошхона ва бассейн қурилмоқда.

Яқинда ушбу фирмада нон тайёрлаш цехи ишга туширилди. Натижада яна ўн



киши қафолатли иш билан таъминланди. Айни пайтда корхона томонидан ушбу ҳудудда спорт майдони ва бассейн қурилмоқда.

Туманда олиб борилаётган янги объектлар қуриш, чекка кишлоқ ва маҳалла-

ларда ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, тадбиркорликни ривожлантириш ишлари аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

«ИШЛАБ ЧИКАРИЛАЁТГАН МАХСУЛОТЛАР сифатини бошқариш тизимларини жорий этиш, махсулотларнинг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш масаласи барча корхоналарда ҳам ҳал этилган, деб бўлмайди. Бу камчилик, айниқса, биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган енгил саноат, фармацевтика ва қурилиш материаллари саноати каби истеъмол товарлари ишлаб чиқариладиган тармоқларга тегишлидир».

Парламент назорати

Енгил саноатнинг «юки» енгиллашгани йўқ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, ўтган йили компания тизимидаги корхоналарда 1560,9 млрд.сўмлик махсулот ишлаб чиқарилган.

Бу, шубҳасиз, мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнаомлигида мамлакат индустриясини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати даражасидаги эътибор натижасидир. Маълумки, енгил саноат тизимида махсулот турлари ишлаб чиқариш имконияти кенг бўлиб, соҳани замон талаблари даражасида ривожлантириш иқтисодий ва ижтимоий масалаларнинг ижобий ҳал этилишида ҳам муҳим роль ўйнайди. Бинобарин, янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда бозорни зарур махсулотлар билан тўлдиришда ҳам ушбу тармоқ муҳим аҳамият касб этади. Бунда, энг аввало, тармоқда тадбиркорлик тузилмаларининг қўлайлиги ва мамлакат экспорт салоҳиятининг ошишига кенг йўл очилишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шу боисдан ҳам O'zLiDeP фракцияси аъзолари 2011 йилда амалдаги қонунлар ва давлат дастурларининг жойлардаги ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил тадбирлари давомида енгил саноатни ривожлантириш истикболлари, соҳани тараққий эттиришга тўсқин бўлаётган муаммоларга алоҳида эътибор қаратди. Парламент қўйи палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган эшитувда ҳам тизим фаолияти атрофида таҳлил этилиб, соҳа мутасаддилари зиммасига бир қатор вазифалар юклатилган эди.

Хусусан, қўмита эшитувда енгил саноат корхоналарини техник жиҳатдан модернизация қилиш, тармоққа инвестиция жалб этишни кенгайтириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатни қучайтириш, соҳани ривожлантиришнинг яқин, ўрта ва истиқболдаги йўналишлари концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилган эди.

«Ўзбекистон саноат» компанияси раиси Илхом Хайдаровнинг айтишича, қўмита қарориди акс этган вазифаларни бажариш учун компания тизимида тегишли чоратадбирлар амалга оширилди. Бунда айниқса, «2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Давлат дастури ана шу мақсадга қаратилган ишлар қўламини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этди. Натижада акциядорлик компанияси тасарруфидидаги корхоналар сони 256 тадан 273 тага қўлайди. Тўқимачилик, тикувчилик, трикотаж ва иппакчилик тармоқларидаги корхоналар йилига 400



ДЕПУТАТЛАРНИНГ ФИКРИЧА, ҲАЛИ СОҲАДА ҲАЛ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН МУАММОЛАР МАВЖУД. МИСОЛ УЧУН, ҚЎМИТА АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН ТАҲЛИЛЛАРДА ЎТГАН ЙИЛЛАРДА РЕСПУБЛИКАДА ПАХТА ТОЛАСИДАН ЧИҚАРИЛГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ 2,5 МАРТАГА КАМАЙГАНИ, ЖУН ВА ЯРИМ ЖУН МАТОЛАР ДЕЯРЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМАГАННИ КЎЙД ЭТИЛГАН ЭДИ. ТАРМОҚНИНГ МАМЛАКАТ СANOАТИДАГИ УЛУШИ ЭСА 12 ФOИЗ АТРОФИДА ЭКАНИ ҲАМ СОҲАДА МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАРДАН ЕТАРЛИЧА ФОЙДАЛанилМАЁТганини КЎРСАТИБ ТУРИБДИ.

минг тонна пахта толасини қайта ишлаш, 373 минг (2010 йили 291,5 минг) тонна ип-калава, 81,8 минг тонна (2010 йилда 56,3 минг) трикотаж мато, 282 млн. кв. метр (2010 йилда 157,9 млн. кв. метр) газлама махсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди.

Қўмита қарорининг енгил саноат корхоналарини техник жиҳатдан модернизация қилиш ва тармоққа инвестициялар жалб этишни кенгайтириш бандидан келиб чиқиб, 2011 йилда Фарғона, Сирдарё, Тошкент, Наманган, Жиззах, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 28 та янги ва модернизация қилинган енгил саноат корхоналари ишга туширилди. «Индорма» МЧЖ, «Булут текстил МЧЖ», «Мусавир» МЧЖ, «Лос Гигантес текстил» МЧЖ, «Қўқон-Асака текстил» МЧЖ ва «Сангринтекстиль» қўшма корхоналари шулар жумласидандир. Янги қувватларнинг ишга туширилиши натижасида тармоқда 92,1 миллион АКШ долларини ўзлаштирилиб, 5045 та янги иш ўрни яратилди.

Пахта толасини қайта ишлаш қувватлари 53,6 минг тоннага, тайёр махсулотлар ишлаб чиқариш қуввати эса 18,5 млн. донага қўлайиб, экспорт салоҳияти 133,4 миллион долларга ошди.

Соҳа мутахассислари 2011 йилда 114 та ана шундай лойиҳалар бўйича ишлар олиб борилганига, жорий йилда эса бу кўрсаткич 85 тага қўлайишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Хусусан, айни қўмитада дунёнинг энг нуфузли — Швейцариянинг «Ригер» тўқимачилик компанияси билан собиқ «Ўзбектекстиль» ИЧБ негизда йигирув дастгоҳларини йиғиш, уларни эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ва сервис хизмати кўрсатиш лойиҳаси бўйича қурилиш ишлари якунланмоқда.

Компания раиси И.Хайдаров имзоси билан қарор ижроси юзасидан қўмитага тақдим этилган маълумотлар ҳақиқатан ҳам тармоқда жиддий изланишлар олиб борилаётганини кўрсатмоқда.

Бироқ депутатларнинг фикрича, ҳали соҳада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар мав-

жуд. Мисол учун, қўмита аъзолари томонидан ўтказилган таҳлилларда ўтган йилларда республикада пахта толасидан газламалар ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 мартага камайгани, жун ва ярим жун матолар деярли ишлаб чиқарилмагани қайд этилган эди. Тармоқнинг мамлакат саноатидаги улуши эса 12 фoиз атрофида экани ҳам соҳада мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётганини кўрсатиб турибди.

Шу ўринда Юртбошимизнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида айтган қўйидаги фикрларига алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз: «Ишлаб чиқарилаётган махсулотлар сифатини бошқариш тизимларини жорий этиш, махсулотларнинг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш масаласи барча корхоналарда ҳам ҳал этилган, деб бўлмайди. Бу камчилик, айниқса, биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган енгил саноат, фармацевтика ва қурилиш материаллари саноати каби истеъмол товарлари ишлаб чиқариладиган тармоқларга тегишлидир».

Айни пайтда 2012 ва кейинги йиллар учун дастуриламал, дея эътироф этилаётган ушбу ҳужжатда келтирилган фикрлардан енгил саноат тизими мутасаддилари тегишли ҳулоса чиқаришлари ҳамда ўз ишларига масъулият билан ёндашишлари лозим, албатта.

Сўранг, жавоб берамиз!

ИМТИЁЗДАН ФОЙДАЛАНИНГ

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАК томонидан қайси тоифадаги йўловчиларга имтиёзли чипталар сотилади? Кимлар компания хизматидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга?

М.ХАМИДОВА,
Тошкент шаҳри.

— Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, шунингдек, МДХ мамлакатлари ўртасида имзоланган келишувларга асосан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, уч тоифадли «Шон-шухрат» ордени билан тақдирланган шахслар, 1 ва 2-группа уруш ногиронлари ҳамда уларга тегишланган ярадор бўлган ишчилар, ҳарбийлар ва хизматчиларга бир йилда бир марта бориш ва келиш учун бепул чипталар берилади. Бундан ташқари, Чернобыль авариясини бартараф этиш оқибатида ногирон бўлган шахслар Ўзбекистон ҳудудидаги йўналишлар учун бир йилда бир марта икки тарафга бепул чипта олишлари мумкин, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК ахборот хизмати раҳбари Хайдарали Мамалалиева. — Шунингдек, ҳар бир йўловчи 5 ёшгача бўлган битта фарзандини бола учун алоҳида жой ажратилмаслик шарти билан поездда бепул олиб юриш имконига эга. Агар йўловчининг икки ва undan ортқ фарзанди ҳам 5 ёшга тўлмаган бўлса, у ҳолда ота-оналар қолган болалари учун 50 фoизга арзонлаштирилган чипта ҳамда жойларини сўрашлари мумкин. Ўз навбатида 50 фoизли чегирмалар 5 ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар учун ҳам қўлланилади.

Учинчи сектор

НАТИЖА ЧАККИ ЭМАС

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд ҳудудий бўлими раҳбари Азамат Пардаевнинг таъкидлашича, айни пайтда вилоятда 614 та ННТ фаолият олиб бормоқда.

— Вилоятдаги ННТларнинг аксариятини экология ва спорт, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тиббиёт, фан ва техника йўналишларида фаолият юритаётган ННТлар ташкил этмоқда, — дейди А.Пардаев. — Бундан ташқари кейинги йилларда ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолига ёрдам кўрсатиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, фуқароларнинг ижодий ва ижтимоий фаолиятини ошириш йўналишида иш олиб бораётган ННТлар сони ҳам ортиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, вилоятимизда ҳудудий дастурлар ижросини таъминлашда ННТлар роли сезиларли даражада ошди. Шу ўринда ННТлар томонидан жойларда ўтказилаётган семинар-тренингларда тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, «Бизнес режа» тузиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кейинги пайтларда ана шундай таъкидотларга грант маблағлари бериш кўрсаткичлари ҳам кескин ортиганини таъкидлаш мумкин. Бу борада ҳам бўлимининг томонидан доимий мониторинг олиб боришмоқда. Агар 2010 йилда парламент комиссияси томонидан 7 та ННТ лойиҳаси учун грантлар ажратилган бўлса, 2011 йилда улар сони 11 тага етди.

ННТлар томонидан жойларда ўтказилаётган семинар-тренингларда тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, «Бизнес режа» тузиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кейинги пайтларда ана шундай таъкидотларга грант маблағлари бериш кўрсаткичлари ҳам кескин ортиганини таъкидлаш мумкин. Бу борада ҳам бўлимининг томонидан доимий мониторинг олиб боришмоқда. Агар 2010 йилда парламент комиссияси томонидан 7 та ННТ лойиҳаси учун грантлар ажратилган бўлса, 2011 йилда улар сони 11 тага етди.



«ТЕВАБОШН» АСАЛИ

Китоб туманининг «Тевабошн» қишлоқида жойлашган «Нектар-кафолат» хусусий корхонасида асал қадоклашга иختисослашган янги цех ишга туширилди. Бу ерда шифобахш неъмат турли идишларга қадоклашиб, буюртмачиларга етказиб беришмоқда. Эндиликда «Тевабошн» асалидан бошқа вилоятлар аҳолиси ҳам баҳраманд бўлмоқда.

Электромартизмиз

Фермерлик ҳаракати

Бурчга ёндашув ўзгартирилиши керак

О'ZLIDER СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН ДАВРА СУҲБАТИДА ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, ЗАМОНАВИЙ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ АМАЛИЁТГА КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ, СЕЛЕКЦИЯ ВА УРУҒЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Озод РАҲАБОВ,
«XXI ASR»

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси ҳамда Фермер ҳўжаликлари уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «2012 йил – Ватанимиз тараққиёти» янги босқичга кўтарилган йил бўлади» номида дастурий маърузасидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар белгилаб олинди. Парламент қўйи палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида фаолият кўрсатаётган фермер ҳўжаликлари раҳбарлари иштирок этган тадбирда аграр секторни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳага онд қонунчиликни тақомиллаштириш масалаларига ҳам муносабат билдирилди.

Маълумки, 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида 2011 йили мамлакатимизда 6 миллион 800 минг тонна пахта, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта, 8 миллион 200 минг тоннадан ортқ сабзавот ва подиз, қариб 3 миллион тонна боғдорчилик махсулотлари қишлоқ мулкдорларининг фидокорона меҳнати эвазига етиштирилгани эътироф этилди.

— Айни пайтда 3800 дан ортқ фермер ҳўжалиги пахта етиштириш, 1500 та фермер ҳўжалиги давлат захирасига қалла сотиш бўйича шартнома мажбуриятларини бажара олмагани натижасида 120 миллиард сўмлик 160 минг тонна пахта, 18 миллиард сўмлик 62 минг тонна қалла ҳосили бой берилгани ушбу тармоқ вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда О'ZLIDER зиммасига қатта масъулият юклайди, — деди Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадусулф Тешабоев. — Айниқса, фермер ҳўжаликлари ер майдонларини узок муддатга ижарага бериш бўйича белгиланган тартиб-қоидаларга қатъий риоя этилишини, бу борада жойларда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслигини таъминлаш учун ҳали қўйиш қилиш лозим. Чунки аграр соҳага инновациялар киритишни рағбатлантириш, тайёрлов-таъминот корхоналари билан фермер ҳўжаликлари ўртасида тузилган шартнома шартларини белгиланган муддатда бажариш, қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари учун ҳисоб-китобни ўз вақтида амалга ошириш бўйича мутасадди ташкилотларнинг масъулиятини қучайтириш Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг дастурий мақсадларидан биридир.

Фермер ҳўжаликлари уюшмаси марказий кенгаши раиси Файзулла Бердиевнинг айтишича, Юртбошимизнинг чуқур таҳлилларга асосланган фикрлари фермерлар манфаатини ҳимоя қилиш баробарида уларнинг давлат ва жамият олдиди бурчи ёндашуви билан боғлиқ ишларимизни ҳам қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Мисол учун, ёнма-ён жойлашган ва бир хил шаронтта эга ҳўжаликларда ҳосилдорликка эришиш борасида турлича кўрсаткичлар қайд этилаётгани ҳам айни шу йўналишда муаммолар борлигини кўрсатмоқда. Масъулият ҳисси билан меҳ-

нат қилаётган шижоатли ва ташаббускор фермерлар нафақат шартнома мажбуриятларини вақтида бажариш, балки ўз фаолиятини қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналар ҳисобига кенгайтириб, қўшимча иш ўринлари ташкил қилишда ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Лекин айрим фермерларга ишониб топширилган юзлаб гектар ерлардан оқилона фойдаланилмаётгани, агротехник тадбирлар-

О'ZLIDER ТАШАББУСИ БИЛАН ҲАР БИР ФЕРМЕР ҲЎЖАЛИГИГА КАМИДА БИР НАФАР ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИГА ИХТИСОСЛАШГАН КОЛЛЕЖЛАР БИТИРУВЧИЛАРИНИ БИРИКТИРИШ ТАКЛИФИ ИШТИРОКЧИЛАР ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ.

ни бажаришга эътиборсизлик билан ёки енгил-елли муносабатда бўлилаётгани юқоридагидек оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Бундай нуқсонларнинг олдини олиш учун эса малакали фермерларнинг илгор тажрибаларини омдалаштириш билан бирга, инновацион лойиҳалар асосида туПРОҚ унУмДОРлигини ошириш, замонавий агротехнологияларни амалиётга кенг жорий этиш, селекция ва уруғчиликни янада ривожлантириш лозимлигини бугунги воқеликнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шунингдек, фермерлик ҳаракати ривожини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида фуқаролик жамияти институтларининг бу соҳадаги иштирокини қучайтириш орқали қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга эътибор қаратиш керак.

Тадбирда, шунингдек, соҳа учун назарий ва амалий билимларини ўйғунлаштира олган ёш, иқтидорли кадрларни тайёрлашга эҳтиёж ўсиб бораётганига ҳам эътибор қаратилди. Шунинг учун ҳам О'ZLIDER ташаббуси билан фермер ҳўжаликларида қишлоқ ҳўжалиги иختисослашган коллежлар битирувчиларини бириктириш таклифи иштирокчилар томонидан қўллаб-қувватланди. Бу айни пайтда назария билан амалиётни бир-бирига яқинлаштириш ва албатта ёшларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш имконини кенгайтиради.

Муҳокамалар давомида О'ZLIDER аъзолари томонидан Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Фермер ҳўжаликлари уюшмаси билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим тадбирларни ўтказишга онд тақсиллар ҳам ўрнла тақилди. Хусусан, мажур идоралар билан тайёрланадиган махсус режа асосида туПРОҚ унУмДОРлигини ошириш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, селекция ва уруғчиликни ривожлантириш жараёнининг мониторингини олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Тадбир якунида фермерлик ҳаракатини том маънодаги ҳал қилувчи қуча айлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан О'ZLIDER Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг ҳулоса ва тавсиялари ишлаб чиқилди.

ЯНА 12 ТАГА КЎПАЙДИ

Дехқонобод туманида яна 12 та тадбиркорлик субъекти иш бошлади. Уларнинг 6 таси микрофирма, 6 таси яқка тартибдаги тадбиркорлар бўлиб, кичик бизнес субъектларининг 2 таси савдо, 1 таси хизмат кўрсатиш, 3 таси деҳқончилик ва чорвачилик махсулотлари ишлаб чиқаришга иختисослашган. Янги корхоналарнинг ишга туширилиши эвазига туманда аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятлари янада кенгайди.

Парламент Бош прокурор ташаббусини қўллаб-қувватлади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀



Фахриддин КОМИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
О'ЗЛиДеП фракцияси
аъзоси

Хусусан, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунга асосан ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, зўравонлик, ҳаёсизлик ва шайқатсизликни тарғиб этишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар тақиқланган.

Порнография ва зўравонликка қарши кураш самарадорлигини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан жамиятнинг ахлоқий негизларига таъжовуз қилувчи жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш ахволи ўрганилганда бу борада бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйлаётгани аниқланди. Натижада кейинги уч йилда 44,5 млн. сўмлик порнографик маҳсулотлар олиб қўйилиб, 430 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Улардан қонун талаблари асосида 146,5 млн. сўмлик жарима ундирилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 130-моддасига асосан, намоёни қилиш ёки тарқатиш мақсадида порнографик маҳсулотлар тайёрлаш, шунингдек, уларни 21 ёшга тўлмаган шахслар ўртасида намоёни қилиш ёки тарқатиш, бу ҳаракат маъмурий жазо қўлланилганда кейин қайта содир этилган бўлса, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Айни пайтда ушбу норманинг номуқаммаллиги ва унинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 189-моддасига номувофиқлиги амалиётда порнографик маҳсулотлар муомаласи, шу жумладан, уларнинг республикада олиб қилиниши, 21 ёшга етган шахсларга реклама қилиниши, намоёни этилиши ёки тарқатилиши билан боғлиқ ижтимоий ҳавфли қилинларнинг сезиларли қисми декриминаллаштирилишига ҳам олиб келмоқда.

Масалан, 2009-2010 йиллар ва 2011 йилнинг 9 ойида порнографик маҳсулотларнинг ноқонуний муомаласи ҳолатлари бўйича атиги 6 та жиноят ишлари қўзғатилган, ҳолос. Бу мазкур жиноятларни аниқлаш ва олдини

**ҚОНУН
ЛОЙИХАСИ
БИЛАН АНА
ШУНДАЙ
МАЪМУРИЙ
ҲУҚУҚБУЗАРЛИК
СОДИР ЭТГАН
ФУҚАРОЛАРГА ЭНГ
КАМ ИШ ҲАҚИНИНГ
50 БАРАВАРИДАН
100
БАРАВАРИГАЧА,
МАНСАБДОР
ШАХСЛАРГА ЭСА
100 БАРАВАРДАН
150 БАРАВАРИГАЧА
МИҚДОРДА
ЖАРИМА
БЕЛГИЛАНИШИ
НАЗАРДА
ТУТИЛАЯПТИ.**

олишининг жиноий-ҳуқуқий механизми етарли самара бермаётганидан далolatдир.

Шу ўринда амалдаги қонунчиликда «порнографик маҳсулотлар» тушунчасига аниқ таъриф берилмагани ҳуқуқни қўллаш амалиётида қатор мураккабликларни келтириб чиқараётганини ҳам ало-

ҳида таъкидлаш жоиз. Энг ёмони эса бу ҳолат санъатшунос мутахассислар томонидан ихтиёрий изоҳланишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, жиноят ҳақидаги қонун ҳужжатларида «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция»га доир болалар савдоси, болалар фохшиабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протоколнинг 3-моддасида қайд этилганидек, болалар тасвирланган порнографик маҳсулотлар муомаласи учун қаттиқроқ жавобгарликни назарда тутувчи махсус норма мавжуд эмас.

Ана шундай ҳолатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш ҳамда ахлоққа зид жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳада Жиноят кодексининг 130-моддаси янги тахрирда биринчи қисми билан тўлдирилиб, унга қўра порнографик маҳсулотларни тарқатиш, реклама қилиш, намоёни этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тайёрлаш энг кам иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамок жазосига ҳукм қилиниши белгиланмоқда. Ўша ҳаракатлар такроран ёки ҳавфли рецидивист ёхуд бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилса уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо белгиланиши назарда ту-

тилаяпти.

Шунингдек, вояга етмаганларни порнографик хусусиятдаги ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида Жиноят кодексига 130¹-модда киритилаяпти.

Қолаверса, Жиноят кодекси «порнографик маҳсулот» ҳамда «зўравонлик ва шайқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотлар» тушунчалари билан тўлдирилмоқда.

Бундан ташқари мазкур қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, 189-модданинг янги тахрирдаги баёнида ана шундай маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган фуқароларга энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 100 баравардан 150 бараваригача миқдорда жарима белгиланиши назарда тутилаяпти.

Қўрииб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тақлиф этилаётган мазкур қонун лойиҳаси ахлоққа зид ҳуқуқбузарликлар, руҳий ва маънавий-ахлоқий ривожланишга путур етказувчи ахборотларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2012 йил 20 январь кунини бўлиб ўтган ялпи мажлисида ушбу қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан қабул қилинди. О'ЗЛиДеП фракцияси аъзолари ҳам қонун лойиҳасини ёш авлоднинг тарбиясини ҳуқуқий жиҳатдан тақомиллаштиришга қаратилган муҳим ҳужжат сифатида маъқуладилар.



«Оилавий бизнес — мустаҳкам оила асосидир»

ЮРТБОШИМИЗ ТОМОНИДАН ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ», ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ОИЛАВИЙ БИЗНЕСГА БЎЛГАН МУНОСАБАТНИ ҲАМ ТУВДАН ЎЗГАРТИРИШНИ ТАҚОЗО ЭТА БОШЛАДИ

Зиёдулла МҲМИНОВ,
«XXI ASR»

О'ЗЛиДеП Тошкент вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» томонидан Юрчирич туманида ўтказилган «Оила мустаҳкамлигини таъминлашда бизнеснинг ўрни» мавзuidaги давра суҳбатига ҳам айнан ана шу масалага эътибор қаратилди. Давра суҳбатига О'ЗЛиДеП Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари М.Ақомова сўзга чиқиб, «Мустаҳкам оила йили»да оилавий бизнесни ривожлантириш партиянинг асосий вазифасига айланиши, бу жараёнга барча бўйиндаги партия фаоллари жалб этилиши лозимлигини таъкидлади.

— Агар ўтган йилларда опасингиларимиз тадбиркорликнинг 20 га яқин тури билан шуғулланган бўлишса, бугун бу рақам 50 дан ошганини кузатиш мумкин. Ишбилармон аёллар ишлаб чиқарма маҳсулотлар ёки тақлиф этаётган хизмат турлари жаҳон стандартларига жавоб бераётгани эса

мамлакатимизда қулай бизнес муҳити яратилганидан далolat бермоқда, — деди М.Ақомова. — Шу маънода Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида оилавий бизнеснинг ривожини, унинг истикболларига бежиз кенг тўхталмадилар. — 2012 йилда вилоятимизда тадбиркор аёллар фаоллигини янада ошириш мақсадида «Соғлом оила мустаҳкам оила», «Замонавий аёл — бунёдкор етакчи», «Фермерлик ҳаракати — халқ қилувчи куч» лойиҳаларини амалга оширишни режалаштирганмиз, — деди йиғилишда О'ЗЛиДеП Тошкент вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» бўлими бошлиғи М.Жамолдидинова. — Мақсадимиз хотин-қизларнинг жамиятдаги маънавий, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигини ошириш билан бирга, уларда ишбилармонлик қўниқмаларини янада ривожлантиришдан иборатдир.

Давра суҳбати якунида фаол хотин-қизларга О'ЗЛиДеП вилоят кенгашининг «Фахрий ёрликлари» топширилди.

Ёшлар қаноти

Янги авлод тадбиркорликни танламоқда

О'ЗЛИДЕП ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИДА «ТАДБИРКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗДИ

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI ASR»

Асосан «Ёшлар қаноти» фаоллари иштирок этган тадбирда «Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида О'ЗЛиДеП томонидан ҳаётга таъбиқ этилаётган лойиҳалар» мавзuidaги маъруза тинланди.

Тадбирда нефть ва газ факультети талабаси Фаррух Ҳамроевнинг «Иссиқхона — даромад манбаи» мавзuidaги лойиҳаси тақдими ҳам ўтказилди.

— Қашқадарёда иссиқхона ташкил этган ўғилларнинг ортиқ ёш тадбиркорлар бор. Улар йилнинг ҳар тўрт фаслида ҳам бодиринг, помидор, лимон, турли қўқатлар етиштириб, Қарши шаҳри ва туманлар аҳолиси талабини қондиришяпти. — дейди лойиҳа муаллифи. — Мен ҳам ўз ишимда тенгдошларимнинг ана шу йўналишдаги изланиш-

ларини қўллаб-қувватлаш, уларга замонавий иссиқхона жиҳозлари ва бошқа ашёлар сотиб олишга молиявий қўмақ бериш билан боғлиқ амалий тақлифларини илгари сурдим. Ҳисоб-китобларга қараганда, битта тадбиркор 10 сотих иссиқхонадан соҳа қўйилган вази-фалар 20 млн. сўмга яқин соф даромад қўрар экан. Бундан ташқари ўша жойда 5-6 нафар ёшлар доимий иш билан таъминланган.

Тадбирда «Мастаҳкам оила йили»да маҳалла ва кичиклоқларда эркин меҳнат фаолиятини янада ривожлантириш учун, авваламбор, олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари биттирувчиларини ушбу соҳага кенгроқ жалб қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, бандликка қўмаклашувчи марказлар билан ҳамкорликда турли партиявий тадбирлар ва бўш иш ўрнилари ярмаркалари ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

— Маълумки, давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий йўналишлари ва 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузасида ўртача қўйилган вазифалар зиммамизга алоҳида масъулият юклайди. Биз маъруза асосида «Ёшлар қаноти» амалга ошириши лозим бўлган ишлар юзасидан фикрлашиб олдик, — дейди Ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Фирдавсий Жабборов. — Талаба-ёшларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини янада ошириш ҳозирги кунда ҳар қачонгидан катта аҳамият касб этади. Зеро бундай тадбирлар жамиятдан ўз муносиб ўрнини эгаллай оладиган ёшларни тарбиялаш, уларнинг эркин меҳнат фаолиятига бўлган қизиқишларини янада орттиришга хизмат қилади.

Қарор Ва ижро

Ёш журналистлар ўқуви

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА МИЛЛИЙ МАТБУОТИМИЗНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШ, УНИНГ ЭРКИН ВА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ҚЎРСАТИШИ УЧУН БАРЧА ЗАРУР ШАРОИТ ВА ИМКОНИЯТЛАРНИ ЯРАТИШ, ИМТИЁЗ ВА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР БЕРИШ БИЛАН БИРГА, КАДРЛАРНИНГ КАСБ МАЛАКАСИ ВА САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ДОИМИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш жамоат фонди ўтказётган «Худудий босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистларнинг марказий наشرларда ма-лака ошириши» лойиҳаси ҳам айни эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Лойиҳанинг навбатдаги босқичида иштирок этиш учун Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятда меҳнат қилаётган ёш журналистлар Тошкент шаҳрига тақлиф этилди. Мазкур лойиҳадан қўзланган асосий мақсад Қорақалпо-

вистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳарлардаги газета ва журналларда ишлаётган ёш журналистларнинг касб малакасини ошириш, марказий наشرлар тажрибасини ўрганишига яқиндан қўмаклашиш, ижодкорлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ўрнатишга имкон яратишдан иборат. Ўтган вақт мобайнида икки юз нафардан ортиқ ёш ижодкор ушбу лойиҳада қатнашиб, ўз касб маҳоратини оширди. Лойиҳа доирасида улар томонидан қўллаб-ишти-моий-сиёсий, иқтисодий масалаларга бағишланган таҳлилий мақолалар тайёрланди.

Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг

қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан ўтказилган учрашув, амалий ўқув семинарда иштирок этдилар. Айни пайтда ёш журналистлар Ўзбекистон Миллий ахборот аген-

тлинги — ЎЗА, мамлакатимиздаги етакчи босма ва интернет наشرлар фаолияти, иш тажрибаси билан танишдилар. Ойлаб журналистларнинг тараққиёти ва истикболлари, ахборот агентликлари фа-

олияти, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашда медиа соҳанинг асосий вазифалари каби мавзулардаги маърифий анжуманлар ва семинарлар ёш журналистларда катта қизиқиш уйғотди.

ТАХРИРИЯТДАН: Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш жамоат фонди раҳбари А.Абдуллаевнинг таъкидлашича, ана шундай долзарб масалаларга бағишланган семинар-тренинг ва давра суҳбатларини худудларда ҳам ўтказиш режалаштирилмоқда. Хусусан, 3 февраль кунини фонд ташаббуси билан «ОАВга берилаётган қўшимча имтиёзлар ва афзалликлар: ахборот соҳасига бозор муносабатларини жорий этишнинг муҳим омили» мавзuidaги илмий-амалий конференцияни Тошкентда ўтказиш белгиланган. Унда Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳияти ва бу борада амалга оширилиши кўзда тутилаётган тадбирлар ижроси юзасидан соҳа ходимлари зиммасидаги масъулиятни вазибаларини ҳам муҳокама қилиш кўзда тутилаётди. Мутахассислар мазкур анжуманда фақат соҳа ходимлари эмас, балки турли давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари ҳам қатнашишини таъкидламоқдалар.

Танқиддан тегишли хулосалар чиқарилди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Озод РАЖАБОВ,
«XXI ASR»

САРҲИСОБ ВА АМАЛИЙ САМАРА

Кўрилган чора-тадбирлар туфайли 2011 йилда депутатлик гуруҳлари фаолиятида муайян ўзгаришларга эришилган. Ушбу мустахкам замин тайёрланди.

Аввало, вилоят, туман ва шаҳарлар миқёсида қабул қилинган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари чуқур ўрганилиб, уларда ўрин олган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид жами 524 масаланинг ижроси депутатлик гуруҳлари томонидан назоратга олинди. Ўтган йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинганлиги ва бу борада махсус давлат дастури қабул қилинганлигини инобатга олсак, депутатлик гуруҳлари томонидан назоратга олинган масалалар ҳудудий дастурларда энг асосий ўринни эгаллаганини аниқлаш қийин эмас. Бундай ёндашув эса қўллаб-қувватлаш ва фермерларнинг тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилган лойиҳаларни рўйбога чиқаришларига имкон берди.

Ўз навбатида, жойларда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар юзасидан назорат таҳлил ишлари кучайтирилди. Натияжада вилоят ва туман кенгашлари ҳамда уларнинг таркибда фаолият юритувчи доимий комиссияларга йил давомида жами 200 дан ортиқ масала киритилди. Депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан ана шу масалаларнинг 15 таси халқ депутатлари вилоят кенгашлари, 19 таси эса туман ва шаҳар кенгашлари сессияларида муҳокама қилинганлиги алоҳида таъкидлаш жоиз.

Қайд этиш керакики, мазкур масалаларнинг барчаси ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб масалалардир. Хусусан, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент вилоят кенгашлари сессияларида партия депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, соҳани модернизациялаш, техник ва технологиялар жихатдан қайта жиҳозлаш, замонавий суғориш тизимларини жорий этиш масалалари юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланган.

Соҳада мавжуд муаммолар, айниқса, янги техника ва технологияларни жорий қилишдаги сусткашликлар, мелiorация тизимларини тартибга келтириш борасида белгилаб олинган дастурларни бажаришда йўл қўйилаётган нуқсонлар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тошкент шаҳар ва Наманган вилоят кенгашлари сессияларида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг бажарилиши юзасидан эшитувлар ўтказилди.

Жиззах ва Хоразм вилоят кенгашлари сессияларида эса ахборот-коммуникация технологияларининг ҳудудларда жорий қилиниши билан боғ-

лиқ масалалар республика даражасидаги мутасадди раҳбарлар иштирокида кўриб чиқилиб, мавжуд ахвол объектив тарзда таҳлил қилинди. Маълумки, модернизация жараёнларининг ҳудудларда ҳам илдам бориши айнан ушбу технологияларнинг қандай татбиқ қилиниши билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам қўлга киритилган натижалар билан бирга, ижтимоий аҳамиятга молик объектларда, хусусан, мактаб ва коллежларда замонавий коммуникация технологияларини жорий қилишда камчиликларга йўл қўйилаётгани, соҳа кадрларини тайёрлашга етарли даражада эътибор берилмаётгани алоҳида таъкидланиб, вазиятни ўнглашга доир тегишли қарорлар қабул қилинди.

Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгаши сессиясида касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, хусусан, уларни тадбиркорликка жалб қилиш борасидаги мавжуд муаммолар атрофида муҳокама қилинди. Айнан ушбу муҳокама натижаси ўлароқ вилоят кенгашининг 2012 йил 3 январда бўлиб ўтган сессиясида О'зЛиДеР томонидан ишлаб чиқилган «Ешларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш борасидаги ҳаракат дастури» қабул қилинди ва вилоятнинг барча ташкилотларига ушбу дастур ижросини таъминлашда амалий ёрдам бериш вазифаси юклатилди.

Худди шундай фаоллик Навоий ва Самарканд вилоятлари кенгашларида, Пахтаобод, Бешарик, Каттакўрғон, Вобкент, Галлаорол, Нишон, Норин, Нурота, Гиждувон ва бошқа бир қатор туманлар кенгашларидаги депутатлик гуруҳларида ҳам кузатилди.

Шу ўринда О'зЛиДеР депутатлик гуруҳлари йиғилишларида жойларда тадбиркорликни ривожлантириш, соҳанинг таракқий этишига кенг имкониятлар яратиш борасида муҳим аҳамиятга молик бўлган 150 дан ортиқ масалалар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланган, тегишли хулосалар чиқарилганини таъкидлаш жоиз. Ўрни келганда партиявий, жамоат назоратининг бундай шакли қанчалик муҳим эканини ушбу эшитувлар натижасида қўллаб-қувватлаш депутатлик субъектлари фаолиятидаги муаммоларнинг жойида хал эълитлани ҳам кўрсатиб турибди.

Депутатлар фаоллиги ошгани ва уларга бўлган ишончнинг мустахкамланаётганини мурожаатлар сонининг ортганида ҳам кўриш мумкин. Илгари асосан марказий идораларга мурожаат қилган ишбилармонлар эндиликда бевосита маҳаллий кенгашлардаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳларига кўпроқ мурожаат қила бошладилар. Хусусан, кейинги олти ойда депутатлик гуруҳларига 1,5 мингта яқин мурожаатлар бўлган ва уларнинг аксарияти депутатларимиз аралашуви билан ижобий ҳал этилган бунга мисол бўлиши мумкин. Шу билан бирга, тадбиркорлар мурожаатлари асосида халқ вакиллари назоратининг яна бир шакли — депутатлик сўровлари дан ҳам унумли фойдаланишга киришилди. Ўтган давр мобайнида маҳаллий депутатларимиз томонидан турли ташкилотларга 270 дан ортиқ депутатлик сўрови юборилган ҳам фикримизнинг тасди-

қидир. Энг муҳими, эса 2011 йил якунига қадар уларнинг қарийб учдан бири ижроия идоралари томонидан жавобсиз қолдирилгани, уларнинг нафақат депутат мурожаатига, балки ушбу мурожаат ортдаги аҳоли муаммосига бўлган муносабатидан дарак беради. Шулардан келиб чиққан ҳолда, партия Сиёсий Кенгаши 2012 йилда депутатлик гуруҳлари фаолият самарадорлигини янада ошириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасида бир қатор чора-тадбирларни белгилаб олди.

МАВЖУД МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

О'зЛиДеР депутатлик гуруҳларининг 2011 йилдаги фаолиятини таҳлил қилар экан-

давомида амалга оширилган 270 та депутатлик сўровининг қарийб учдан бири ижроия идоралари томонидан жавобсиз қолдирилгани, уларнинг нафақат депутат мурожаатига, балки ушбу мурожаат ортдаги аҳоли муаммосига бўлган муносабатидан дарак беради. Шулардан келиб чиққан ҳолда, партия Сиёсий Кенгаши 2012 йилда депутатлик гуруҳлари фаолият самарадорлигини янада ошириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасида бир қатор чора-тадбирларни белгилаб олди.

тадлик гуруҳлари ваколатларини адаштириб юбориш, у ёки бу ҳудудда кам иш ўрни яратилгани ёхуд тадбиркорлик тузилмалари очилмаганида О'зЛиДеРни айблагашга ўхшаш чиқишлар ҳам кўзга ташланиб қолмоқда. Хусусан, кейинги йилларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг айрим фаоллари ўз наشري орқали шунга ўхшаш чиқишларни уюштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай ури-нишлар ортда қонунлар билан турли ҳокимият тизимларига берилган ваколатлар доирасини тушунмаслик туриб-

АЙРИМ ҲОЛЛАРДА ПОПУЛИЗМ ВА ТАНҚИДБОЗЛИККА МУККАСИДАН КЕТИБ, ЎЗ РАҚИБЛАРИНИ АЙБЛАШ ИЛИНЖИДА ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТИ БИЛАН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ВАКОЛАТЛАРИНИ АДАШТИРИБ ЮБОРИШ, У ЁКИ БУ ҲУДУДДА КАМ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛГАНИ ЁХУД ТАДБИРКОРЛИК ТУЗИЛМАЛАРИ ОЧИЛМАГАНИДА О'ЗЛИДЕРНИ АЙБЛАШГА ЎХШАШ ЧИҚИШЛАР ҲАМ КЎЗГА ТАШЛАНИБ ҚОЛМОҚДА. ХУСУСАН, КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ АЙРИМ ФАОЛЛАРИ ЎЗ НАШРИ ОРҚАЛИ ШУНГА ЎХШАШ ЧИҚИШЛАРНИ УЮШТИРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛМОҚДАЛАР

КИМ НИМА БИЛАН БАНД?

Хулоса ўрнида шунга айтиш мумкинки, партияимиз депутатлик гуруҳлари қонунда белгилаб берилган ваколатлар доирасида аҳолини, айниқса, электротар вакиллари манфаатини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Гарчи бу борада 2011 йили маълум бир ижобий натижага эришилган бўлса-да, аммо О'зЛиДеР фаоллари вакиллик ҳокимияти тизими ролини, унда фаолият юритаётган депутатлик гуруҳларининг таъсир доирасини янада кенгайтириш лозимлигини алоҳида таъкидламоқдалар.

Ижроия ва вакиллик ҳокимиятлари ваколатлари ҳақида сўз бораганида, баъзи фикрларни айтиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Айрим ҳолларда популизм ва танқидбозликка муккасидан кетиб, ўз рақиблирини айблаш илинжида ижроия ҳокимияти билан сиёсий партиялар ва уларнинг депу-

дими ёки ўқувчи, сайловчи эътиборини қалғитиб, айбни бошқаларга тўнкаш илинжи-ми?

Кува ёки Қасби каби туманида саргарошхона очиб ёки пойабзал таъмирлаш дўқони ишини йўлга қўйиб сиёсий партиянинг вазифаси, дея фикр юритаётган нашр рақиб партияни танқид қилмас бас, бу ишлар кимнинг ваколатига кириши бис учун мутлақо аҳамиятсиз нарсас, қабилади иш кўраётгани кизик ҳолат, албатта.

Ваҳоланки, ушбу масалалар жуда муҳим бўлиб, уларнинг барчаси ўз ечимини топиши керак. Лекин, бу иш қонун билан берилган ваколатлар доирасида амалга оширилиши даркор, деб ҳисоблаймиз. Юқориди келтирилган маълумотлар эса О'зЛиДеР айнан шу йўл билан, сиёсий партияларга берилган ваколатлар доирасида шу ишларни амалга оширишга ҳаракат қилаётганлигини очик-ойдин кўрсатиб турибди.

Сўранг, жавоб берамиз!

СИЗ УЧУН ПРОПИСКА МАСАЛАСИДА МУАММО ЙЎҚ!

Яқинда “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги қонун қабул қилинганини эшитиб қолдим. Мен Тошкент шаҳрида уй сотиб олганман. Ушбу қонун асосида оила аъзоларим билан шу уйга доимий пропискага ўтишимиз мумкинми? Ж.Ниёзов, Сурхондарё вилояти.

Ушбу саволга ҳуқуқшунос Ш.Бахтиёров жавоб беради.

Ҳақиқатдан ҳам, сиз тилга олган қонун 2011 йилнинг 14 сентябр кунин қонуний кучга кирган

бўлиб, унда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифалари рўйхатининг 1-банди сотиб олинган уй-жойга эга бўлган Ўзбекистон Рес-

ОЗЧИЛИК — «АДОЛАТ»ЧИЛАРДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлар ва уларнинг партияларга мансублиги ва қайси сиёсий партиянинг парламентда қўлчилик овозга эга экани ҳақида маълумот берсангиз?

— Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатларнинг 51 нафарини О'зЛиДеР, 31 нафарини ЎзХДП, 30 на-

фарини «Миллий тикланиш» ДП ва 16 нафарини «Адолат» СДП партияларидан сайланган депутатлар ташкил этмоқда. Депутатларнинг 15 нафари эса

О'зЛиДеР Мамбуот хизмати хабару

СУРХОНДАРЁ.

О'зЛиДеР вилоят кенгаши томонидан Термиз шаҳридаги “Тадбиркорлик маркази”да “Оммавий ахборот воситалари мустақиллиги демократик жамият тараққиётининг муҳим омил” мавзусида амалий мулоқот ташкил этилди. Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари, бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари, партия фаоллари иштирок этган тадбирда юртимизда ОАВ фаолиятини демократлаштириш ва либераллаштириш, журналистлар учун ахборот олиш кафолатлари ҳамда сўз эркинлигини таъминлаш юзасидан барча чоралар қўйилаётганлиги таъкидланиб, О'зЛиДеР томонидан ўтказилаётган тадбирларнинг тарғиботини қатъий йўлга қўйиш зарурлиги ҳусусида сўз юритилди. Шунингдек, тадбир иштирокчилари Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган масалалар, жумладан, ОАВни янада ривожлантириш, сўз эркинлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган амалий ишларга ҳам тўхталиб ўтишди. Мулоқот давомида ушбу соҳани янада эркинлаштириш, аҳолини керакли ахборотлар билан таъминлаш, давлат ва жамоат бирлашмаларининг ахборот хизматлари ишини такомиллаштириш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

ҚАШҚАДАРЁ.

Китоб туманида О'зЛиДеР вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими ҳамда “Хунарманд” уюшмаси туман бўлими ҳамкорлигида “Мустахкам оила — мамлакатимиз тараққиётининг пойдевори” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда депутатлар, ёш тадбиркорлар ва партия фаоллари қатнашдилар. Китоблик чевар қизлар томонидан тайёрланган, миллий хунармандчилик анъаналарини ўзида акс эттирган зардўзлик, ироки кашпачилик, ёвоч ўймакорлиги маҳсулотлари намуналари давра суҳбати қатнашчиларида катта таассурот қолдириди. Шундан сўнг Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги “Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир” номли маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар, “Мустахкам оила йили”да туманида оилаларни мустахкамлаш, улар фаровонлигини ошириш бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар ҳусусида сўз юритилди.

— Ўтган йили партия вилоят кенгаши “Аёллар қаноти” томонидан китоблик ёш тадбиркор Нодира Жўраевага 10 миллион сўм кредит олишда амалий ёрдам кўрсатилди, — дейди Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими бошлиғи Гулбаҳор Тўраева. — Айни пайтда у тикувчилик цехини ташкил этиб, 10 нафар ёш қизларни иш билан таъминлаган. Умуман, туманимизда хунармандчиликни янада ривожлантириш, хотин-қизлар ўртасида бандлик даражасини ошириш учун барча чоралар кўрилмоқда. Бугун юзлаб хотин-қизлар зардўзлик, ироки кашпачилик, новъойлик, қандолатпазлик, дўппидўзлик ва бошқа касблар билан шуғулланиб, рўзгорларига барака киритишяпти. Улар сафини янада кенгайтириш учун тегишли режаларни белгилаб олдик.

АНДИЖОН.

“Фермерлик тараққиёти — фаровонлик манбаи”. О'зЛиДеР вилоят кенгаши томонидан Хўжабод туманида ташкил этилган давра суҳбати ана шундай номланди. Унда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш истиқболлари ҳусусида сўз юритилиб, бу борадаги имкониятлар ва мавжуд муаммоларга эътибор қаратилди. Давра суҳбатидида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳаракатини хар томонлама қўллаб-қувватлаш, банк-молия муассасаларининг бу борадаги масъулиятини янада ошириш, тадбиркорлик ва фермерлик билан шуғулланаётган партия электорати вакилларида кенг имкониятлар яратиб бериш, уларнинг сиёсий билимларини такомиллаштириш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, тадбир қатнашчилари мамлакатимизда мулкдорлар учун яратилаётган кенг имкониятлар, соҳага оид мавжуд қонунлар мазмун-моҳияти, уларга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар ҳусусида фикр юритиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоларининг бу борадаги фаолиятига алоҳида тўхталдилар.

публикаси фуқаролари — хусусий мулк қилиб олинган уй-жойга доимий рўйхатга олинishi белгиланган.

Мазкур рўйхатнинг 2-бандида кўра эса, қариндошлар — ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари ҳам доимий прописка қилинган уй-жой майдонига доимий рўйхатга олинishiлари мумкинлиги кўрсатилган. Демак, биринчи галда, сиз ўз хусусий мулкнингиз бўлган уй-жойга доимий рўйхатга қўйиш масаласини хал эътиб, ундан кейин тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги



қариндошларингизни мазкур хонадонга доимий рўйхатга қўйиш учун мурожаат этишингиз лозим.



Инқйроз талвасаси

ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚЙРОЗИНИНГ НАВБАТДАГИ ТЎЛҚИНИ ДУНЁ ИҚТИСОДЧИЛАРИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН БИР ПАЙТДА ГРЕЦИЯ ЯНА ДЕФОЛЪТ ҚАРШИСИДА ЯККАМА-ЯККА ҚОЛДИ

Файзулло
АБДУЛБОКИЕВ

24 январь куни Греция кредиторлари Европа Иттифоки вакиллари билан яна расмий Афинанинг қарзидан воз кечиш масаласида ягона тўхтамга кела олмадилар. Таҳлилчиларнинг фикрича, глобал молиявий инқйроздан энг кўп азият чекаётган ушбу мамлакатда дахлдор муаммони ҳал этиш борасида ЕИнинг 2011 йил 26 октябрдаги «тарихий саммити»да ўзаро келишувга эришилганига қарамай, уни амалга ошириш жарани қийин кечаёттир. Қолаверса, саммитда қабул қилинган бошқа қарорлар ижроси ҳам амалга ошмаётганини таъкидлаш лозим. Шу сабабли еврохудудни қутқариш масаласи боши берк кўчага кириб қолган, деб ҳисобланмоқда.

Маълумки, «тарихий саммит» чоғида Афинанинг хусусий кредиторлари ва ЕИ расмийлари ўртасида 100 миллиард евро (хусусий сармоядорларга тегишли қарзнинг 50 фоизи) қарздан воз кечиш масаласида ўзаро келишувга эришилган бўлиб, бу Грецияга 2020 йилга қадар давлат қарзнинг янги ички маҳсулотнинг 170 фоиздан 120 фоизгача қисқаришига имкон яратиши мумкин эди. Дефолт оstonасидаги мамлакат қарзининг юқоридагидек қамайтирилиши ЕИ ҳам, Халқаро валюта жамғармаси молиявий экспертлари ҳам мақбул ҳолат, деб баҳолашди.

Бирок кейинчалик саммит доирасида греклар қарзидан воз кечишнинг аниқ механизми ишлаб чиқилмагани маълум бўлди. Шунинг учун 2011 йил ноябрдан бошлаб ЕИ, Греция ҳукумати ҳамда хусусий кредиторлар манфаатини ҳимоя қилувчи Халқаро молиявий институт (The Institute of International Finance, IIF) ўртасида узоқ муддатли музокаралар бошланди. Музокаралар моҳияти шундан иборат бўлдики, юнон кредиторларига қарздан юз «ўтириш» юзаси унчалик хуш келмади, аксинча, бунинг ўрнига улар ўзларига қўшимча имтиёзлар берилиши хусусида савдолашишга тушиб кетдилар. Чамаси, Греция қарзини ёпиш ўқда турсин, мамлакатнинг амалдаги облигацияларини кам фозил, тўлов муддати узайтирилган муқобил қимматли қорозларга алмаштириш таклифи ҳам ўртага ташланди. Музокараларнинг 24 январь куни бўлиб ўтган сўнгги босқичида ҳам томонлар яна келиша олмадилар. Халқаро молиявий институт вакилларининг фикрича, облигацияларнинг хусусий сармоядорларни қоникрадиган минимал ставкасини тўрт фоизга тенг. Ўз навбатида Греция ва ЕИ раҳбарияти ставканинг йиллик фозиси 3,5 фоиздан ошмаслигини талаб қилмоқда. Юнонлар таллаган йўлни ХВЖ ҳам қўллаб-қувватлаётганини эътироф этмоқ жоиз.

Кредиторлар ва қарздорлар ўртасидаги музокаралар қандай кечиши хозирча қоронғу. Шундоқ

ҳам январь ойининг ўзида мулоқотлар бир неча бор барбод бўлгач, Халқаро молия институти «тайм аут» олишдан бошқа чора топа олмаган эди. Греция сармоядорлари қарздан воз кечиш молиявий бозорлар ва банклар фаолиятига салбий таъсир

жиз эмас. Акс ҳолда ягона валютага бўлган ишончга путур етиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, ташвишланиш учун асослар етарли. Агар 1995 йили Мексикада, 1998 йили Жануби-Шарқий Осиёда кузатилган

«ТАРИХИЙ САММИТ»
ЧОҒИДА АФИНАНИНГ ХУСУСИЙ КРЕДИТОРЛАРИ ВА ЕИ РАСМИЙЛАРИ ЎРТАСИДА 100 МИЛЛИАРД ЕВРО (ХУСУСИЙ САРМОЯДОРЛАРГА ТЕГИШЛИ ҚАРЗНИНГ 50 ФОИЗИ) ҚАРЗДАН ВОЗ КЕЧИШ МАСАЛАСИДА ЎЗАРО КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛГАН БЎЛИБ, БУ ГРЕЦИЯГА 2020 ЙИЛГА ҚАДАР ДАВЛАТ ҚАРЗИНИНГ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТНИНГ 170 ФОИЗДАН 120 ФОИЗГАЧА ҚИСҚАРИШИГА ИМҚОН ЯРАТИШИ МУМКИН ЭДИ.

кўрсатишидан ташвишга тушибаётгани ҳам бежиз эмас. Гап шундаки, Греция облигациялари арзimas матоҳга айланиб улгурган бўлса-да, сармоядорлар қарзлардан юз ўғиришни барибир молиявий зиён сифатида баҳолашмоқда. Бу ҳам майли. Энг ачинарлиси, кредиторлар Афина ХВЖ ва ЕИ томонидан ваъда қилинган 130 миллиард евро миқдоридаги молиявий ёрдамини олишдан мусову бўлишаётганидир. Келишув шартларига мувофиқ, ёрдамининг дастлабки транши хусусий қарзларнинг бир қисми ёпилиши билан келиб тушиши лозим. Ваҳоланки, Греция март ойида 14,5 миллиард еврога тенг қарзини тўлаши даркор. Мабодо ўша пайтгача ўзаро келишувга эришилмаса, мамлакатда дефолт ҳолати эълон қилинади. Шунинг учун ҳам эксперт доираларда давлат дефолти эҳтимоли тўғрисидаги гап-сўзлар кўпайиб бормоқда. Бу эса вазият тобора боши берк кўчага кириб бораётганидан далолат берапти. «Citigroup» иқтисодчиси Виллем Бюйтер (Willem Buiter) сўзларига қараганда, ЕИнинг хозирги худудида 1948 йилдан буён илк бор дефолт ҳолати юз бериши эҳтимоли яқинлашиб келмоқда.

— Греция учун молиявий мушкулот даври бошланди, — дейди В.Бюйтер. — Аммо ҳукумати оммани тинчлантириш учун дефолт эҳтимолини рад этиб келмоқда. Бунинг тушуниш мумкин. Грециянинг янги ҳукумати аҳволни ўнглаш юзасидан зарур чораларни кўришга, қўлидан келадиган барча ишни қилишга ваъда берди. Балки Европа ҳамжамияти ҳақиқатан ҳам ўзаро бирлашиб, юнонларни мушкул вазиятдан қутқарар. Бирок хозирча аниқ тақдирлар илгари сурилмаяпти.

Агар молиявий инкйроз бартараф этилмаса, «Европанинг хаста томири» — Греция сафидан бошқа мамлакатлар ҳам ўрин эгаллаши эҳтимолдан ҳоли эмас. Дейлик, бутун Ирландияда иқтисодий бекарорлик ҳукм сураётган бўлса, Испания қарзлари жадаллик билан ўсиб бормоқда. Шунинг учун ҳам ЕИ раҳбарияти Грецияни мушкул аҳволдан қутқаришга жон-жаҳди билан киришгани бе

тангликдан ривожланган давлатлар у қадар кўп зиён кўришмаган бўлса, бу сафар, аксинча, инкйроз иқтисодий бақувват мамлакатларда бошланиб, ер юзининг бошқа худудларига ёйилмоқда. Акциялар қиймати пасайиб, уй-жой бозорининг қасодга учраётгани, савдо-сотиқнинг сусайиб бораётгани ачинарли ҳолдир. Бундан айниқса қашшоқ давлатлар кўпроқ зиён кўрмоқда. Инкйроз натижасида уларга ривожланган давлатлар томонидан берилаётган маблағнинг кескин қамайиши ва маҳсулот сотишдан келадиган даромадларнинг пасайиши ўлганининг устига тепган бўлди, дейиш мумкин.

Тан олиш керак, Европадаги иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қиладиган бошқа воситалар ҳали ҳам ишга тушгани йўқ. Изласа имкон топилади, албатта. Дейлик, бир вақтлар банкротлик ҳолатига тушиб қолган бошқа давлатларга Европа молиявий барқарорлик жамғармаси (EFSF) ёрдамга келиши белгиланган, юқорида таъкидланган тарихий саммитда фонд хазинасини бир триллион еврога етказиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Кейинроқ ушбу миқдорни 750 миллиардга, 2011 йил декабрида эса 500 миллиардга қисқартириш тўғрисидаги тақдирлар ўртага ташланди. Аввалдаги жамғарма фонднинг ЕИга аъзо бўлмаган учинчи давлатлар ёрдамида тўлдирish режалаштирилди. Европанинг кредитори сифатида бир қатор давлатлар, энг аввало, Хитойнинг номи тилга олинди. Бирок имконияти юқори бўлган барча омонатчилар ЕФСФнинг фаолият механизми тўла ишлаб чиқилмагунча Европа билан ҳамкорлик қилолмасликларини билдирдилар. Мана, 2012 йилнинг январь якунига етди ҳамки, фонд фаолияти юзасидан бир тўхтамга келингани йўқ. Халқаро доираларда ўтказилаётган кўплаб саммитлар, жумладан, кечагина Швейцариянинг Давос шаҳрида якунланган Бутунжаҳон иқтисодий форуми ҳам глобал молиявий инкйрознинг давосини топа олмади. Тўртинчи йилдирки, глобал молиявий-иқтисодий тангликдан чиқиш масаласи ушбу анжуман кун тартибидagi асосий мавзулардан бири бўлиб қол



моқда. Бу гал ҳам евромаконга кирган давлатларнинг қарзи ва ундан чиқиш йўллари хусусида атрофлича фикр юритилди. Гарчанд аниқ қарорлар қабул қилинмаган бўлса-да, унинг иштирокчилари якуний баёнотда иқтисодий ўсиш суръатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш, ижтимоий эҳтиёжлар учун имкони борича кўпроқ маблағлар ажратиш зарурлигини таъкидладилар.

Бир сўз билан айтганда, глобал молиявий инкйроз 2012 йилда ҳам дунё саҳнасини «тарк» этмаслиги яққол сезилиб турибди. Жаҳоннинг аксарият давлатлари 2008-2009 йиллардаги танглик оқибатларини тўлиғича бартараф этолмагани, ишсизлик даражаси пасаймаётганлиги, кўплаб мамлакатларга узоқ йиллик турмушлик хавф солаётгани, бойлар ва қашшоқлар ўртасидаги тафовутнинг ошиб бораётганлиги, «Уолл-стрит»ни эгаллаб ол» каби оммавий норозилик чиқишларининг давом этаётгани фикримиз исботидир.

Хаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Юртбошимиз 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек, жаҳон заҳира валюталарининг бекарорлиги, молия-банк тизими кредит қобилиятининг кескин пасайиши ва инвестициявий фаолликнинг сусайиши билан боғлиқ муаммолар кўплаб давлатлар иқтисодиётининг тикланиши ва ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Инкйроздан чиқиш борасида аниқ бир тўхтамга келинмаётган бир пайтда евронинг келажиги юзасидан хавотирлар ошиб борапти. Fitch агентлиги томонидан Бельгия, Кипр, Италия, Испания ва Словения рейтингининг пасайтирилиши ҳам изоҳга ҳожат қолдир

маса керак.

Хуллас, бугунги вазият ана шундай. Молиявий инкйрознинг кучайиши ривожланаётган давлатлар иқтисодиётига кўпроқ таъсир кўрсатиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Айтидан, бу кетишда БМТнинг Мингйиллик саммитида эришилган дунёда қашшоқлик ва очарчиликни бартараф этиш, фуқароларнинг бошлан

ич таълим олишларини таъминлаш, эркак ва аёллар тенглигига эришиш, болалар ўлимини қамайтириш, оналар соғлигини яхшилаш, орттирилган иммун танқислиги вирусини, безгак сингари оғир касалликларга қарши кураш, экологик барқарорликни таъминлаш, глобал ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ ахдномалар 185 мамлакатнинг

барчасида ҳам тўлиқ бажарилиши қийин. Таҳлилчиларнинг фикрича, молиявий инкйроз 2012 йилда ҳам давом этиб, ишсизлик даражасининг ўсиши кутилмоқда. Бугун дунёда 1,3 миллиард киши ўта қашшоқ ҳолда кун кечиравётганини инобатга олсак, БМТнинг 15 йиллик дастурида нечоғлик муҳим масалалар камраб олинганига ишонч

ҳосил қиламиз. Ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли орасида ногиронлар, аёллар, болалар ва қариялар оз эмас. Зеро қашшоқлик тенгсизлик, очарчилик, ижтимоий адолатсизлик каби муаммоларнинг ечимини бевоқиф молиявий масалалар билан боғлиқлиги дунё давлатларини мураккаб аҳволга солиб қўяётгани, аччиқ бўлса-да, ҳақиқатдир.


Воқеалар, ғалимлар, шарҳлар

САРКОЗИ НЕГА ШОШИЛМАЯПТИ?!




вакили Марин Ле Пендан эса бироз олдинда кетмоқда. Эслатиб ўтаман: бундан аввал Саркози бир йўлга саккизта француз телеканали орқали узатишган интервьюсида «Қатта ваъдаларнинг вақти ўтиб бўлди, французлар энди амалий ҳаракатларни кутишмоқда», деган фикрини билдирган эди.

«NOKIA»ДА 2900 НАФАР КИШИ ИШСИЗ ҚОЛАДИ



ислохотлар компания қаражатларини йилга 1 миллиард долларга тежаш имконини бериши таъкидланаяпти. Гарчи 2007 йилдан буён фаолият юритаётган «Nokia Siemens» телекоммуникация маҳсулотлари ишлаб чиқариш бозорида кичкин ҳиссага эгалик қилган бўлса-да, сўнгги йилларда кўп зарар кўрмоқда.

МОНТИ «ЭНГ ЯХШИ ЕВРОПАЛИК»



Европа Марказий банкнинг собиқ раҳбари Жан-Клод Тришелар қўлга киритганлар. Маҳаллий шарҳловчилар томонидан Марио Монтининг нафақат Италия, балки бутун Еврохудуддаги инкйрозга қарши курашдаги иштироки ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.

Франция Президенти Николя Саркози 22 апрель куни бўлиб ўтадиган навбатдаги президентлик сайловига ўз номзодини қўйишга шонлимаётганини билдирди.

«Сайловолди кампаниясига 16 мартга қадар қўйилиш мумкин. Мен хозирча ўз номзодини қўйишни ҳам, сайловолди учрашувларининг жадвалини ҳам эълон қилганим йўқ», — дея таъкидлади миллий телевидение орқали чиқиш қилган президент. Сўнгги ижтимоий сўровларга қўра, Саркози машҳурлик жиҳатдан ҳамон Социалистик партия вакили Франсуа Олланддан ортда қолаяпти. Ўта сўз ҳисобланган Миллий фронт



АЛП БАҒРИДАГИ ТУННЕЛЬ

Франция ва Италия яна бир ҳамкорликка қўл урди. Унга қўра, Турин ва Лион шаҳарлари ўртасида транспорт алоқасини яхшилаш мақсадида Алп тоғлари бағридан 57 километрлик туннель очиш режалаштирилмоқда. Маасур лойиҳа амалга оширилса, икки шаҳар орасидаги масофа 4 соатдан 2 соатгача қисқаради. Бундан ташқари, Туриндан Парижгача 7 эмас, балки 4 соат йўл босилади. Қурилиш ишларига 11,2 млрд. АҚШ долларини сарфлангани мўъжазланган. Ушбу лойиҳа Евроиттифок томонидан ҳам молиявий қўллаб-қувватланиши кўзда тутилган.

Айтиш жоизки, маасур қурилишга туннелнинг кириш қисми бошланадиган Суза шаҳри аҳолиси қарин чиққан. Маълум бўлишича, улар худуд экологиясига тиклаб бўлмас даражада зарар етишидан хавотирланиб, маҳаллий ҳукуматта шикоят билан мурожаат қилишмоқда.

Ақбар МУЗАФФАРОВ
тайёрлади.

